

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

МАГИСТРАНТЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ИШИ,

ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА МАГИСТРЛИК

ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ТАЙЁРЛАШ,

ИЛМИЙ СЕМИНА ДАСТУРИ

ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

2021/2022 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

САМАРҚАНД – 2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

«Тасдиқлайман»
Ўқув ишлари бўйича проректор
проф.А.С.Солеев _____
_____ **2021 йил**

МАГИСТРАНТЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ИШИ,
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА МАГИСТРЛИК
ДИССЕРТАТСИЯСИНИ ТАЙЁРЛАШ,
ИЛМИЙ СЕМИНАР ДАСТУРИ
ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

2021/2022 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

САМАРҚАНД – 2021

Мазкур дастурда Самарқанд давлат университетида мавжуд 1 ва 2 босқич магистратура мутахассисликларида ўтказиладиган илмий-педагогик ва илмий-тадқиқот фаолияти, илмий семинар мазмуни, ўтказиш тартиби ва уларни баҳолаш тизими ёритилган.

Тузувчи:

Н.Н.Низамова - Магистратура бўлими бошлиғи

Такризчилар:

Х.Х.Рузимурадов – “Алгебра ва геометрия кафедраси физ.-мат.фанлари номзоди, дотсент.

Эшбўриев Р. – Ядро физикаси ва астрономия кафедраси мудири, физ.-мат.фанлари номзоди, дотсент.

Мазкур дастур СамДУ ўқув-услубий Кенгашининг 2021 йил 29 сентябрда ўтказилган 1-сонли мажлисида кўриб чиқилган ва тасдиқланган.

КИРИШ

Мазкур дастурда магистрантларнинг илмий-педагогик ва илмий-тадқиқот фаолияти, илмий семинар мазмуни, ўтказиш тартиби ва уларни баҳолаш тизимига оид масалалар ёритилган. Ушбу дастур Самарқанд давлат университетида таълим олаётган магистрантларга ва уларнинг илмий-тадқиқот ва магистрлик диссертациясига, илмий педагогик ишига, илмий семинарга раҳбарлик қиладиган профессор-ўқитувчиларга, мутахассис тайёрловчи кафедра мудирларига мўлжалланган.

Самарқанд давлат университетида магистрантларнинг илмий-педагогик ва илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширишнинг дастури Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 10 сентябрдаги 190-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги 36-сон қарори билан тасдиқланган Магистратура тўғрисида НИЗОМ, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 9 августдаги 19-2018-сон буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисида»ги НИЗОМга мувофиқ равишда ташкил этилади ва Самарқанд давлат университети кенгашининг 2021 йил 29 сентябрдаги 2-сон баённомаси билан тасдиқланган «Самарқанд давлат университетида талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисида»ги йўриқнома бўйича амалга оширилган ишларни баҳолаш тартиби ва мезонларини белгилайди.

I. ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ

1.1. Илмий педагогик фаолиятнинг мазмуни

Илмий-педагогик фаолият магистратура ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлиб, олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиси сифатида тайёрланаётган магистрантларнинг эгаллаган илмий-назарий билимларини бевосита амалиётга тадбиқ этиш, инноватсион педагогик ва ахборот-коммуникатсион технологиялар асосида дарс машғулотларини

ташқил этиш, талабалар билимини баҳолаш борасида халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, олий таълим муассасасида таълим сифатини таъминлаш борасидаги фаолият турлари билан амалий танишиш ва илмий-педагогик ишнинг мақсадини белгилаб беради.

Илмий педагогик ишни амалга оширишнинг **мақсади** - илмий-педагогик амалиёт даврида магистрантлар олий таълим муассасида илмий-педагогик фаолият олиб боришнинг мазмуни, меъёрий-ҳуқуқий асослари ва тартибини ўрганадилар ва магистрлик диссертатсияси мавзусига оид илмий изланишлари доирасида педагогик тажриба-синов ишларини ўтказадилар ҳамда олинган натижаларни математик-статистик методлар ёрдамида қайта ишлайди, хулосалар шакллантирадилар.

1.2. Илмий-педагогик фаолият давомида магистрант томонидан бажариладиган вазифалар

Илмий - педагогик ишни бажариш давомида магистрант ўзининг бакалаврият таълим йўналиши бўйича илмий-педагогик маҳоратга эга бўлиши учун илмий-педагогик раҳбар билан ҳамкорликда фаолият олиб бориши зарур. Магистрант ўз мутахассислиги тўғрисида дастлабки тасаввурга ва тушунчаларга эга бўлиши, танлаган мутахассисликка қўйиладиган янги талаблар асосида касбий кўникмаларга, таълим тизими ва жараёнини ташқил этилиши ва олиб борилиши ҳақида тушунчаларга эга бўлиши ҳам шарт. Магистрантнинг замонавий илмий-педагогик талаблар билан танишишдан мақсад уни келгусида мутахассис сифатида талабаларга кафедра фанлари бўйича амалий билимлар беришга тайёрлашдан иборат.

Илмий-педагогик ишнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда магистрантдан қуйидаги вазифаларни бажариш талаб этилади:

- кафедранинг етакчи профессор ўқитувчиларининг ўқув машғулотларига қатнашиши (кафедра ва илмий раҳбар қарори билан);
- илмий раҳбар ёки етакчи профессор ўқитувчилар иштирокида академик гуруҳларда машғулотлар ўтказиш;
- масофавий таълим платформалари ва тизимларини ўрганиш ва ишлаш;
- белгиланган ўқув фани бўйича педагогик технологияларни ишлаб чиқиш, ўқув услубий мажмуаларни тайёрлашда иштирок этиш;
- бакалаврият талабалари билан ўқув, мустақил ишлар ва тарбиявий ишларни ўтказиш;
- педагогик маҳоратни ошириш мақсадида назарий билимларга эга

бўлиш;

- педагогик касбга бўлган қизиқишни ошириш, педагогик касбга хос илмий тушунчаларни ўрганиш ва педагогик изланиш ғояларини шакллантириш кўникмаларига эга бўлиш;
- ихтисослик фанлари бўйича турли машғулотларни ўтказиш бўйича малака орттириш;
- янги педагогик ва ахборот технологияларини ўрганиш ва қўллаш, улар асосида маъруза матнлари ва машғулотлар ўтказиш режасини тузиш;
- талабалар мустақил таълимнинг ташкилий ва ўқув услубий таъминотини ўрганиш, мустақил билим олиш учун услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш;
- тарбиявий ишларни олиб боришни ўрганиш, ва ташкил этиш;
- маъруза матнлари ва амалий машғулотлар бўйича услубий қўлланмалар тайёрлаш усулларини ўрганиш, ишчи дастур ва тақвим режаларини тузишни ва шу каби ишларни ўрганиши зарур.

Илмий-педагогик фаолияти натижалари бўйича магистрант:

- инноватсион педагогик ва ахборот-коммуникатсион технологияларни, ўқув- тарбиявий жараёни фаоллаштириш услубларини, талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари, компетенцияларини баҳолашнинг халқаро стандартлари ва илғор методларини амалий ўзлаштириши;
- мустақил таълимнинг ташкилий ва ўқув – услубий таъминоти, масофадан ўқитиш технологияларини;
- фанлар бўйича ўқув-меъёрий ҳужжатларни (ўқув режа, ишчи ўқув режа, фан дастури, ишчи фан дастури, ўқув-услубий мажмуа, календар иш режа) ларни ишлаб чиқиш, ўқув адабиётларини (дарслик ва ўқув қўлланма, услубий йўриқнома)ларни яратиш асосларини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- олий таълим муассасаларида дарс машғулотларининг (маъруза, амалий, лаборатория, семинар) каби анъанавий ва ноанъанавий (инноватсион) шаклларини ўтказиш, маъруза матнлари ва машғулотлар ўтказиш режалари (технологик хариталари)ни тузиш;
- талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари, компетенцияларини назорат қилишнинг ташкилий ва услубий таъминотини ишлаб чиқиш;
- олий таълим муассасасида маънавий-маърифий, тарбиявий ишларнинг ташкилий ва услубий таъминотини яратиш бўйича **тажрибага эга бўлиши керак.**

Илмий-педагогик иш, одатда, олий таълим муассасанинг мутахассис тайёрловчи кафедраларида ўтказилади. Магистрантлар илмий-педагогик иш

даврида ўзларининг магистрлик диссертацияси мавзуси доирасида педагогик тажриба-синов ишларини ўтказишлари ва олинган натижалар асосида магистрлик диссертацияларини мазмунан бойитишлари ҳам назарда тутилган. Илмий педагогик иш ўтказиш давомида магистрантларга бир қатор вазифалар қўйилади ва уларнинг илмий педагогик иши раҳбарлари ва кафедра мудирлари томонидан бевосита назорат қилинади ҳамда баҳоланади.

Магистрант томонидан кафедрада олиб бориладиган ишлар, тадбирлар, ўтказиладиган маърузалар, амалий машғулотлар ва мустақил ишларни олиб бориш тартиби, қайси фандан, қандай мавзуларда бўлиши кафедра мудирини ва илмий педагогик иш раҳбарини томонидан аниқланади. Магистрантнинг Шахсий календар иш режасини “Илмий-педагогик иш режаси” жадвалида бажариладиган иш турлари, ажратилган соатлар, режалаштирилган муддатлари тўлдирилади ва кафедра қарори билан тасдиқланади.

Кафедра қарори билан намунавий режадаги ишларни кафедра учун лозим бўлган ва мутахассислик хусусиятидан келиб чиқиб, режада келтирилмаган ишлар билан алмаштириш мумкин. Бу албатта, аниқлаштирилган календар иш режада ўз аксини топиши керак.

Магистрант ҳар ойда кафедра мажлисида режа бўйича бажарилган ишларнинг ҳисоботини беради. Ҳисобот бўйича кафедра йиғилиши магистрант томонидан *“режа бажарилган”* ёки *“режа бажарилмаган”* мазмунидаги қарор қабул қилади.

Семестр охирида магистрант ойлик ҳисоботлар асосида семестр бўйича якуний илмий-педагогик иши бўйича ҳисоботни тайёрлайди ва кафедрага топширади. Кафедра мудирини, илмий педагогик иши раҳбарини ва кафедра аъзоларини магистрантнинг ҳисоботи бўйича кафедра қарорини ва илмий педагогик иши раҳбарнинг тавсиясини эътиборга олган ҳолда **илмий-педагогик иш қайдномасига магистрантнинг баҳосини расмийлаштиради.** Қониқарсиз баҳоланган магистрант академик қарздор ҳисобланади.

ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТ

2.1.Илмий тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари

Илмий тадқиқот ишининг (ИТИ) асосий мақсади магистрантлар томонидан магистрлик диссертацияси мавзуси бўйича илмий-амалий муаммоларнинг замонавий ҳолатини таҳлил қилишдан иборат.

Илмий-тадқиқот ишининг асосий мақсади – Магистрантнинг илмий фаолиятининг натижаси ҳисобланган магистрлик диссертациясини тайёрлаш, фан ва таълим, техника ва технология, иқтисодиёт

соҳаларидаги устувор ва долзарб масалаларга бағишланиб, муайян бир вазифанинг илмий асосланган ечимини топишга, тавсиялар ишлаб чиқишга, статистик методлар асосида натижаларни таҳлил қилишга қаратилган бўлади.

Ҳар бир талабага мутахассислик кафедрасида яратилган базадан мавзулар тақдим этилади. Шунга биноан, ҳар бир талаба кафедрада мавжуд мавзулар банки асосида ҳамда кафедранинг тавсиясига кўра илмий раҳбари билан келишган ҳолда ўзига магистрлик диссертатсияси мавзусини танлайди.

Илмий-тадқиқот иши таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари базасида, ЎзФА тадқиқот институтларида, илғор ишлаб-чиқариш корхоналарида ўтказилиши мумкин бўлиб, ушбу муассасалар мутахассисликлар бўйича магистрларни тайёрлашда тадқиқотлар майдончаси сифатида қаралади. Магистрант талабаларнинг илмий-тадқиқот иши олий таълим муассасаси, илмий-тадқиқот лабораториялари, академия ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, корхона ва ташкилотларнинг тадқиқот бўлинмаларида, умумтаълим мактаблари, махсус мактаб, мактаб-интернатлар, лисей, коллежлар базасида ўтказилиши мумкин. Илмий-тадқиқот иши тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳолда хорижий давлатларнинг таълим муассасалари, илмий марказлари, корхона ва ташкилотларида ҳам ўтказилиши мумкин.

Илмий-тадқиқот иши магистрлик диссертатсияси юзасидан материалларни тўплаш ва библиографияни тузиш учун талабаларнинг кутубхоналарда доимий фаолият олиб боришини назарда тутади.

Илмий-тадқиқот иши: магистратура ихтисослиги бўйича намунавий моделлар, объект ва жараёнларни тадқиқ қилиш усулларини ўрганиш; тажриба тадқиқотларининг илмий техник таъминотини ўрганиш; тажриба, тадқиқотлар ўтказиш; тажриба-тадқиқотлар натижаларини қайта ишлаш, таҳлил қилиш, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш кабилардан иборат.

“Магистратура тўғрисида” ги амалдаги Низомга кўра илмий-тадқиқот иши икки босқичда, яъни: илмий-тадқиқот иши, магистрлик диссертатсиясини тайёрлаш ва стажировкадан иборат.

Магистрлик диссертатсияси республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишлари доирасида таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларига, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарори, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда

амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 3775-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган бўлиши керак.

Магистрлик диссертациясининг мавзуси ҳар бир мутахассислик бўйича тавсия этилган мавзулар банкидан магистрант томонидан мустақил танлаб олинади. Мавзу танлаш жуда маъсулиятли вазифалардан бири ҳисобланади. Бунда магистрантга кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчилари маслаҳат беради.

Мавзу магистрантнинг асосий ихтисослик фани бўйича белгиланиши мақсадга мувофиқ. Бунда магистрантнинг амалий тажрибаси, муаммоларни билиши, педагогик жараёнлардаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қила олиш имконияти, чет тилини билиши, хорижий ҳамда республика таълим тизимидаги илғор тажрибаларни назарда тутиши муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг тўғри танланиши унинг муваффақиятли яқунланишини таъминлайди. Магистрантга илмий раҳбарни бириктириш ҳам мавзу танлаш жараёнида амалга оширилади.

Агарда тавсия этилаётган мавзуга илмий раҳбарликка бир нечта номзод кўрсатилса, магистр талаба нафақат мавзуни, балки илмий раҳбарни ҳам мустақил танлаш имкониятига эга бўлади. Магистрлик диссертациялари мавзулари банкани яратишда мутахассислик кафедраси билан ҳамкорлик шартномаси тузилган илмий - тадқиқот институтлари илмий ходимлари, бошқа олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари жалб этилиши мумкин. Мавзу танлаб олингач, кафедра ва факултет Кенгашида муҳокама этилиб, университет Кенгашига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Сўнгра магистрант илмий тадқиқот иши раҳбари билан биргаликда икки йиллик илмий фаолияти бўйича шахсий иш режа тузиб чиқиши ва шу асосда фаолият юритиши лозим.

Семестр охирида якуний назоратлар сессияси бошланишигача Магистрант режада кўрсатилган ҳар бир ишнинг бажарилишини тасдиқлайдиган ҳужжатлар папкасини (фойдаланилаётган илмий адабиётлар рўйхати, интернет манзиллари рўйхати, ишлаб чиқилган алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилади, диссертациянинг режалаштирилган бобининг босма варианты, баённомалар, хулосалар, тақризлар) якуний илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳисоботи билан бирга тайёрлайди ва кафедрага топширади. Якуний назоратлар сессияси давомида магистрантнинг якуний

ҳисоботи бўйича кафедра қарори ва илмий раҳбарнинг тавсиясини эътиборга олган ҳолда **илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертатсиясини тайёрлаш қайдномасига магистрантнинг баҳосини расмийлаштиради.**

Қониқарсиз баҳоланган магистрант академик қарздор ҳисобланади. Шахсий календар иш режасининг тегишли бандларини қайтадан бажариб, белгиланган муддатларда тузатилган ҳисобот тақдим этади. Бу ҳисобот ҳам юқоридаги ишчи гуруҳ томонидан қайтадан кўриб чиқилади ва баҳоланади. Баҳо иккинчи қайдномага расмийлаштирилади, иккинчи қайдномада ҳам қониқарсиз баҳоланган магистрантнинг илмий-тадқиқот ишлари кафедра мудирини томонидан тузилган махсус комиссия иштирокида кўриб чиқилади ва тегишли хулосалар берилади.

2.2 Илмий-тадқиқот фаолияти мазмуни

2.3 Илмий фаолиятнинг II босқичи (1 семестр)

Илмий фаолиятнинг 1-босқичида талаба магистрлик диссертатсияси мавзусининг долзарблигини асослайди, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот предмети ва объектини аниқлайди, мавзунинг ўрганилганлик даражасини аниқлаш мақсадида хорижий ва республика илмий-услубий адабиётларни таҳлил этади, маълумотлар тўплайди. Етарли даражада йиғилган материаллар асосида Магистрант диссертатсия ишининг адабиётлар таҳлили қисмини фаолиятнинг I босқичида расмийлаштириши шарт.

Талаба илмий фаолиятнинг I босқичи юзасидан бажарилган ишлари натижалари 1- семестр давомида ҳар ойи кафедра йиғилишида муҳокама қилинади. Кафедра йиғилиши қарорига биноан семестр якунида ҳар бир магистрантнинг илмий фаолияти I босқичи натижалари бўйича магистратура бўлимида талабанинг илмий раҳбари, кафедра мудирини иштирокида барча бажарилган ишлари бўйича ҳисоботи эшитилиб, аттестасиядан ўтказилади. Талаба аттестатсияга диссертатсия ишининг адабиётлар таҳлили қисмини тўлиқ расмийлаштирган ва бошланғич материалларни аттестасия ҳайъатига тақдим этиши лозим.

Диссертатсиянинг адабиётлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик ҳолатига бағишланган қисми (икки-уч қисмдан иборат бўлиши мумкин) 15-20 бет атрофида бўлиши тавсия этилади.

Талаба илмий фаолиятнинг I босқичида қуйидагиларга алоҳида эътибор бериши тавсия этилади: илмий изланишлар олиб бориш, касбий муаммоларни аниқлаш ва уларни ечишнинг умумий усуллари ва йўлларини ўрганиш; илмий фаолият давомида олинган ахборотларни қайта ишлаш ва умумлаштириш; танланган мавзунинг долзарблигини асослаш; илмий-назарий, илмий-услубий ва психологик - педагогик талабларни шакллантириш, қўйилган масалани ечиш усулларини кўриб чиқиш ва энг

самаралисини аниқлаш.

Биринчи босқич магистрантлари 1-семестрда режалаштирилган илмий-тадқиқот иши давомида магистрлик диссертатсияси мавзусини танлаши, илмий раҳбарни аниқлаши, илмий тадқиқот мақсадини белгилаб олиши, тадқиқот вазифаларини аниқлаши, илмий раҳбар билан биргаликда магистрлик диссертатсияси режасини ишлаб чиқиши, тадқиқот предмети ва обектини аниқлаб олиши, кутубхоналардан ва интернетдан мавзуга доир маълумотларни тўплаши ҳамда бажарилган ишлар юзасидан ёзма ҳисобот тайёрлаши лозим.

Биринчи босқич магистрант талабалар 1-семестрга режалаштирилган илмий-тадқиқот иши вақтида магистрлик диссертатсияси мавзусининг долзарблигини асослаши, диссертатсиянинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот предмети, обектини белгилаб олиши, амалий аҳамияти, илмий янгилиги, танланган мавзунинг ишланганлик даражасини аниқлаши, тажриба-синов ишларини олиб бориш учун керакли материалларни тайёрлаши керак ҳамда кафедра мажлисида танланган мавзунинг долзарблигини асослаб, тузилган режани ҳимоя қила олиши лозим.

2.2. Илмий фаолиятнинг II босқичи (2 - семестр)

Магистрант учун илмий фаолиятнинг асосий натижаси магистрлик диссертатсияси бўлиб, у магистрлик диссертатсиясига нисбатан Низомда белгилаб қўйилган барча талабларга тўлиқ жавоб бериши керак.

Талабанинг илмий фаолият юзасидан бажарган ишлари 2 - семестр давомида ҳар ойда кафедра йиғилишида муҳокама қилинади. Кафедра йиғилиши қарорига биноан ҳар бир Магистрантнинг семестр якунида илмий фаолиятининг натижалари бўйича ва бажарилган ишлари бўйича ҳисоботи эшитилади.

Биринчи босқич магистрантлари 2-семестрда режалаштирилган илмий-тадқиқот иши давомида диссертатсия мавзусининг умумназарий қисми устида ишлайди, мавзуга доир адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар, илмий мақолалар, статистик маълумотларни таҳлил қилади, уларда келтирилган илмий ғоя ва концепсияларга нисбатан ўз ёндошувини баён этади. Тажриба-синов ишлари дастурини тузишда, тадқиқот усулларини танлашда объект бўйича маълумот беради, танланган, ишлаб чиқилган тадқиқот усулларини баён этади. Тажриба – синов ишларини ўтказишда фойдаланиладиган дидактик материаллар, алгоритмлар, методлар, дастурий воситалар, асбоб-ускуналар, кўргазмали материаллар изоҳланади. Тажриба-синов ишларининг натижаларини таҳлил қилиш, қайта ишлашда тўпланган материаллар, статистик маълумотлар ва кўрсаткичларни умумлаштиришда, жамлашда қўлланилган услублар берилади. Тажриба-синов ишларининг

натижалари таҳлил қилинади, қайта ишланади. Магистрлик диссертатсияси мавзуси бўйича илмий раҳбар ёрдамида илмий журналга мақола тайёрланади. Магистрант диссертатсия мавзусидан келиб чиқиб, зарурий адабиётларни таҳлил қилади ва уларнинг камида бештасига аннотасия тайёрлайди. Аннотасияда таҳлил қилинган монография, диссертатсия, дарслик ёки ўқув-услубий қўлланманинг қисқача мазмуни, диссертант томонидан кўтарилган муаммонинг ечилганлик даражаси, унинг ютуқ ва камчиликлари очиқ берилади.

Биринчи курсда магистрант фаолияти устидан мониторинг кўйидаги кўрсаткичлар асосида олиб борилади: Магистрантнинг календар иш режаси белгиланган муддатларда ўз вақтида бажарилиши; битта илмий мақола ёки республика ёки халқаро миқёсдаги илмий конференцияда битта тезис чоп этганлиги; илмий семинарларда иштирок этганлиги; мутахассислик бўйича ўқув фанларини ўзлаштириш даражаси.

2.2. Илмий фаолиятнинг III босқичи (3- семестр)

Магистрант илмий фаолиятнинг III босқичида дастлаб белгиланган дастур асосида тажрибалар, синовлар, кузатув ишлари, тадқиқотнинг бошқа турлари аниқ режага биноан стандарт ёки ностандарт усулда ўтказилганлиги баён этилади. Дастлабки натижаларни қайта ишлаш стандарт ёки ностандарт усулларда математик статистика қоидаларига риоя қилиниб, компютерда бажарилиши тавсия этилади.

Олинган натижаларнинг ишончлилик даражаси математик статистика мезонлари билан кафолатланади. Омилар ва натижалар орасидаги боғланиш қонуниятлари классик усуллардан ёки компютер дастурларидан фойдаланиб аниқланади ва экспериментал (тажриба) натижалари назарий қонуниятлар билан таққосланиб, таҳлил қилинади. Улар асосида ўрганилаётган объект, жараён, маҳсулот сифати, услубиятлар бўйича хулосалар чиқарилади. Натижалар график ва жадваллар кўринишида давлат стандартлари талаблари ва қоидаларига риоя этган ҳолда расмийлаштирилади.

Магистрант илмий фаолиятнинг III босқичида **диссертатсия** ишининг олинган натижалар ва уларнинг муҳокамасига бағишланган бобида: тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш; тадқиқот жараёнларини изоҳлаш; экспериментал қурилма, технологик схемаларни таклиф этиш каби вазифаларни амалга оширади.

Талабанинг илмий фаолияти III босқичида амалга оширилган ишлари семестр давомида ҳар ойда кафедра йиғилишида муҳокама қилинади. Кафедра йиғилиши қарорига биноан барча магистрантлар семестр якунида илмий фаолиятнинг III босқичи натижалари бўйича магистратура

бўлими томонидан талаба, унинг илмий раҳбари (маслаҳатчи), кафедра мудури иштирокида оммавий тарзда ҳисоботи эшитилиб, аттестасиядан ўтказилади.

2.2. Илмий фаолиятнинг IV босқичи (4- семестр)

Илмий фаолиятнинг IV босқичида магистрант диссертатсия ишини тўлиқ якунлайди ва белгиланган талаб даражасида расмийлаштиради.

Магистрант илмий фаолиятнинг IV босқичида мавзуга оид материалларни ўрганиш, олинган натижалар ҳамда орттирган амалий кўникмалари асосида диссертатсия ишини тўлиқ қайта кўриб чиқади.

Ёзма равишда илмий фаолият ҳисоботини топширмаган магистрант дастлабки ҳимояга киритилмайди ва ўрнатилган тартибга биноан академик қарздор ҳисобланади.

Иккинчи курсда магистрантнинг фаолияти қуйидаги мезонлар асосида мониторинг қилинади:

календар иш режаси белгиланган муддатларда ўз вақтида бажарилиши;
иккита илмий мақола ёки республика ёки халқаро миқёсдаги илмий конференцияда иккита тезис чоп этганлиги;

магистрлик диссертатсияси дастлабки ҳимоядан ўтганлиги, агар у мониторинг даврида режалаштирилган бўлса;

илмий семинарларда иштирок этганлиги;

мутахассислик бўйича барча ўқув фанларини ўзлаштириш даражаси.

Талабанинг илмий фаолияти IV босқичда бажарилган ишлар юзасидан семестр давомида ҳар ойда кафедра йиғилишида муҳокама қилинади. Кафедра йиғилиши қарорига биноан ҳар бир магистрант семестр якунида илмий фаолиятнинг IV босқичи натижалари бўйича магистратура бўлими томонидан талаба, унинг илмий раҳбари (маслаҳатчи), кафедра мудури иштирокида бажарилган ишлари бўйича ҳисоботи эшитилиб, аттестатсиядан ўтказилади.

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ТАЙЁРЛАШ

3.1. Магистрлик диссертацияси бажарилишини назорат қилиш

Магистрлик диссертацияси тайёрланишини назорат қилиб бориш илмий раҳбар, кафедра мудури ва магистратура бўлими бошлиғи зиммасига юклатилади.

Диссертациянинг илмий раҳбари Магистрантнинг шахсий иш режаси ўрнатилган тартибда тасдиқлангандан кейин шахсий режанинг ўз

вақтида ва сифатли равишда бажарилиб боришини мунтазам назорат қилиб боради. Диссертатсия мавзусини ёритиш учун зарур бўлган илмий адабиётлар, интернет маълумотлари, конференциялар материаллари, улардан фойдаланишда эътибор қаратилиши зарур бўлган жойлари бўйича мунтазам равишда магистрантга маслаҳатлар бериб боради. Магистрантнинг диссертатсия бўйича олиб бораётган илмий изланишлари юзасидан тайёрлаган ҳисоботларини, мақолаларини, конференция материалларини кўриб чиқади. Зарур бўлганда уларни таҳрир қилади. Диссертатсиянинг босқичма-босқич сифатли ва талаб даражасида ҳамда белгиланган муддатларда ёзиб борилишини назорат қилади. Магистрантнинг диссертатсия юзасидан олиб бораётган илмий изланишларини, диссертатсиянинг тайёр бўлган қисмларини кафедра мажлисларида муҳокама қилиб бориш учун тақдим этади.

Диссертатсия тайёр бўлганидан кейин унга хулоса тайёрлайди. Хулосада:

- диссертатсия мавзусининг долзарблиги;
- мавзунинг мутахассислик билан боғлиқлиги;
- тадқиқот янгилигининг асосланиши;
- магистрантнинг илмий иш олиб боришга қобилияти;
- диссертатсияда материалларнинг таҳлил қилиб, умумлаштирилиши ва улар юзасидан чиқарилган хулосаларнинг аниқлиги;
- диссертатсиянинг магистрлик диссертатсияси талабларига мос келиши каби фикрлар акс эттирилиши лозим.

Илмий раҳбар томонидан ёзилган диссертатсия тўғрисидаги хулосада ишнинг долзарблиги, илмий янгилиги, илмий ва амалий, ижобий томонлари аниқ далиллар асосида атрофлича таҳлил этилиб, диссертатсиянинг тугалланганлиги кўрсатилади ҳамда баҳоланади.

Диссертатсия якунланганлиги тўғрисидаги илмий раҳбарнинг хулосаси илмий раҳбар томонидан имзоланади ва у ишлаётган ОТМ, тармоқ институтлари ёки буюртмачи ташкилотларнинг муҳри билан тасдиқланади.

Илмий раҳбарнинг мажбуриятларига қуйидагилар киради:

- тадқиқот мавзуси доирасида юзага келиши мумкин бўлган масалалар бўйича тизимли равишда ёрдам бериш мақсадида маслаҳатлар жадвалини тузиш;
- тадқиқот усуллари танилашда иштирок этиш ва уларни тадқиқот ишида қўллашда магистрантга кўмаклашиш;
- магистрантнинг белгиланган календар иш режаси бўйича ишларнинг бажарилишини ва магистрлик диссертатсияси ўз вақтида тайёрланишини назорат қилиш;
- дастлабки ҳимоягача магистрлик диссертациясига хулоса бериш.

Кафедра мудири Магистрантнинг диссертация юзасидан олиб бораётган илмий изланишларини, диссертациянинг тайёр бўлган бобларини (назарий ва экспериментал қисмларини, хулоса ва таклифларини) кафедра мажлисларида муҳокама қилиб, уларнинг талаб даражасида тайёрланишини таъминлайди, магистрантларга ва уларнинг илмий раҳбарларига тегишли кўрсатмалар беради. Магистрантларининг умумий фаолияти билан бирга, магистрлик диссертациясини тайёрлаш бўйича олиб бораётган ишларини ҳар ярим йилда камида бир марта кафедра мажлисларида муҳокама этади. Магистрантларининг диссертацияни тайёрлаш бўйича олиб бораётган ишлари юзасидан кафедрага ҳар семестр якунида ҳисобот беради.

Магистратура бўлими бошлиғи илмий раҳбар, кафедра мудири ва Магистрант томонидан режалаштирилган ишларни Низом талаблари асосида бажарилишини назорат қилади, белгиланган вақтларда университет Илмий Кенгашида ҳисобот беради.

Магистрант илмий раҳбар иштирокида магистрлик диссертациясининг бажарилиш ҳолати, илмий, услубий мақолалар тайёрланиши, ўтказилган ижодий ишлар кўриги ҳақида кафедранинг ойлик мажлисларида ҳисобот бериб боради, семестрлар якунида эса кафедрага ёзма ҳисобот тақдим этади.

Магистрант магистрлик диссертацияси мавзусини ва илмий раҳбарни асосланган ҳолда ўзгартириши бўйича таклиф киритиши мумкин.

Магистрлик диссертациясига ёзиладиган тақризга қўйиладиган талаблар. Диссертация тўғрисидаги тақризчи томонидан ёзилган тақризда ишнинг долзарблиги, илмий янгилиги, илмий ва амалий, ижобий, баҳсли - мунозарали томонлари ҳолисона, аниқ далиллар асосида атрофлича таҳлил этилиб, диссертациянинг тугалланганлиги кўрсатилиб, ҳамда баҳолаб борилиши лозим.

Тақриз дастлабки ҳимоядан камида **3 кун** олдин тақдим этилиши лозим. Магистрант томонидан касб одоб-ахлоқи қоидаларининг бузилиши ҳолатлари (плагиат, маълумотларни сохталаштириш, ёлғон иқтибослар келтириш ва бошқалар) аниқланган тақдирда, уларни тақризда кўрсатиши лозим.

Магистрлик диссертацияси белгиланган талабларга мос келмаган ҳолатларда, Магистрант томонидан касб одоб-ахлоқи қоидалари (плагиат, маълумотларни сохталаштириш, ёлғон иқтибос келтириш ва бошқалар) бузилганлиги аниқланган тақдирда, шунингдек ушбу ҳолатларни қисқа муддатда тузатиш имконияти мавжуд бўлмаганда тақризчи магистрлик диссертациясини ҳимояга қўйиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса беради.

Диссертация тўғрисидаги тақриз тақризчи томонидан имзоланади ва

у ишлаётган ОТМ, тармоқ институтлари ёки буюртмачи ташкилотларнинг муҳри билан тасдиқланади. Магистрлик диссертатсиясининг тузилиши ва унинг мазмунига қўйиладиган талаблар Магистрлик диссертатсияси қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши керак:

титул варақ;

икки тилда (ўқитиш тили ва инглиз тилида) магистрлик диссертатсиясининг

қисқача аннотасияси;

мундариж;

кириш;

асосий қисм;

хулоса;

адабиётлар рўйхати;

иловалар (мавжуд бўлса).

Кириш қуйидагиларни қисқача ўз ичига олиши лозим: магистрлик диссертатсияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги; тадқиқот объекти ва предмети; тадқиқот мақсади ва вазифалари; илмий янгилиги; тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари; тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили); тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи; тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти; иш тузилмасининг тавсифи.

Магистрлик диссертатсиясининг **асосий қисми** камида уч бобдан иборат бўлиб, боблар ҳажм жиҳатидан ўзаро мутаносиб бўлиши ва қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

тадқиқот мавзусига тааллуқли бошқа манбаларда келтирилган назарий, амалий ва эмпирик тадқиқотлар натижаларининг танқидий таҳлили;

тадқиқот методикаси ва ишнинг амалий қисми баёни;

тадқиқот олиб борилган масалани ҳал этишда магистратура талабасининг шахсий ҳиссаси кўрсатилган ҳолда тадқиқотнинг асосий натижалари баёни.

Магистрлик диссертатсиясининг **хулоса** қисмида барча бобларда қайд этилган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, шунингдек илмий тадқиқот муаммосини ҳал этиш бўйича хулосалар ёритилади. Хулоса қисми 4 саҳифадан ошмаслиги керак. Диссертатсия ишининг ҳар бир боби алоҳида хулоса ва таклифлар билан яқунланади, лекин унинг асосийлари ишнинг умумий «хулоса» бўлимида жамланади. Диссертатсия ишининг хулоса қисмида тадқиқот натижасида чиқарилган хулосалар ва аниқ таклифлар, шу жумладан, диссертатсия ишини бажариш даврида магистрантнинг шахсан эришган натижалари ҳам мужассамлаштирилади.

Бунда диссертатсия ишининг «Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси» бобидаги асосланган илмий янгилик ва ютуқлар аниқ ва равшан ёритилиши лозим.

Магистрлик диссертатсиясига унинг мазмунини баён этиш учун бевосита зарур бўлган қўшимча маълумотларни ўз ичига олган материаллар илова қилиниши мумкин. Илова қисмининг ҳажми магистрлик диссертатсияси умумий ҳажмининг учдан бир қисмидан ошмаслиги лозим. Диссертатсия ишининг иловасида магистрант томонидан бажарилган илмий–тадқиқот ишларининг дастлабки, бошланғич маълумотлар, диссертатсия ишининг айрим қисмлари учун зарур бўлган кўргазмали чизма, схема, жадвал ва расмлар келтирилади.

Магистрлик диссертатсияси устида ишлаётган магистрант касб одоб-ахлоқи қоидаларига риоя этиши (плагиат, маълумотларни сохталаштириш, шунингдек ёлғон ситаталар келтиришга йўл қўймаслик) лозим.

Диссертатсия матни стандарт варақда ёзилган бўлиб, унда қуйидаги қоидаларга риоя этилган бўлиши лозим: диссертатсияси матнини Мисрософт Ворд матнли редакторида Тимес Нев Роман, 14 шрифтда ёзилган; қаторлар оралиғи — 1,5 см; юқори ва пастки ҳошия 2 см, сатр боши: чап томондан 3 см, ўнг томондан 2 см; хатбошилар орасидаги оралиқ — 5 ёки 6 белгили. Бетнинг тартиб рақами саҳифанинг ости ўртасига қўйилади.

Магистрлик диссертатсиясининг ҳажми титул варақ, мундарижа, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари 70 — 80 саҳифа бўлиши тавсия этилади.

Магистрлик диссертатсияси магистрант ўқиган тилда (кафедра ёки магистратура бўлими тавсиясига мувофиқ чет тилда) тайёрланади. Чет тилда тайёрланган магистрлик диссертатсиясига давлат тилида ёзилган аннотатсия илова этилади. Бундай магистрлик диссертатсияларининг дастлабки ва расмий ҳимоялари таржима билан ўтказилади.

Магистратура мутахассислиги хусусияти ҳисобга олинган ҳолда магистрлик диссертатсияси таркибий қисмларининг мазмуни ва ҳажми факултет Ўқув-услугий кенгашининг қарори билан ўзгартирилиши ва қўпайтирилиши мумкин.

3.2. Магистрлик диссертатсия ишини дастлабки ҳимояни ўтказиш тартиби

Магистрлик диссертатсиясининг дастлабки ҳимояси илмий раҳбар (илмий маслаҳатчи) иштирокида кафедра томонидан тузилган комиссияда ташкил этилади. Дастлабки ҳимояга бошқа кафедралардан, шунингдек

бошқа ташкилотлардан мутахассислар таклиф этилиши мумкин.

Дастлабки ҳимояга қадар магистрант илмий раҳбар такризига, шунингдек диссертатсия мавзусига доир камида 2 та илмий мақола ёки тезисга эга бўлиши керак. Илмий маслаҳатчи тайинланган ҳолда дастлабки ҳимояга қадар ундан магистрлик диссертатсиясига хулоса олиш ҳам талаб этилади.

Магистрлик диссертатсияси Низомда белгиланган тартибда расмийлаштирилиши шарт.

Дастлабки ҳимоя ташкил этишига ва ўтказилишига мутахассисликга маъсул кафедра мудирини ҳисобланади. Магистрантга маъруза учун 15 минутгача, савол ва жавобларга 10 минутгача вақт белгиланади. Магистрант қуйидаги маълумотларни топширади:

- 1) магистрлик диссертатсияни;
- 2) илмий раҳбар хулосаси;
- 3) дастлабки ҳимояни тақдимоти;
- 4) магистрлик диссертатсияси мавзусига оид маълумотлар ёритилган камида 2(иккита) мақола ёки тезис.

Магистрант ушбу талабларга амал қилиши, берилган топшириққа мувофиқ тўла ҳажмда ишни бажариш бўйича шахсан жавобгардир.

Дастлабки ҳимояда магистрлик диссертатсиясига ички ва ташқи такризчилар тайинланади ва кафедра қарори билан расмийлаштирилади. Такризчилар илмий даражали ёки илмий унвонли соҳа мутахассислари, илмий муассасасининг ходимлари, бошқа олий ўқув юртарининг профессор-ўқитувчилари бўлиши мумкин.

Дастлабки ҳимоя якунлари кафедрала йиғилиши баённомаси “расмий ҳимояга тавсия этилди” ёки “расмий ҳимояга тавсия этилмади” тарзидаги хулоса билан расмийлаштирилади. Дастлабки ҳимоя хулосалари расмий ҳимоядан камида 1 ҳафта олдин магистратура бўлимига тақдим этилади.

Магистратура бўлимининг бошлиғи диссертатсия ишини кафедра қарори, илмий раҳбар ва такризчиларнинг тасдиқланган такризлари билан расмий ҳимоя қилиш учун Давлат аттестасия комиссиясига киритади.

3.4 Магистрлик диссертатсия ишини ҳимоясини ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезони

Магистрлик диссертатсиясини расмий ҳимоя қилиш куни олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг буйруғи билан тасдиқланган жадвал асосида белгиланади.

Магистрлик диссертатсиясининг расмий ҳимояси олий таълим муассасасининг Давлат якуний аттестасия комиссияси томонидан ўтказилади.

Кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтган магистрлик диссертация ишини илмий раҳбар хулосаси, ички ва ташқи тақризчиларнинг тақризи, кафедра йиғилиши баённомаси билан биргаликда факултет ЯДА котибига топширилади. Факултет ЯДА котиби илмий раҳбар хулосаси, ички ва ташқи тақризчининг тақризи, кафедра қарори ва магистрантларни ҳимояга киритиш тўғрисидаги университет ректорининг буйруғи билан ҳимоя учун Давлат Аттестация Комиссиясига тақдим этади.

Диссертация иши ҳимояси илмий мунозара характерига эга бўлиб, очик тарзда ўта талабчанлик ва қатъиятлик билан илмий мулоқот асосида ўтказилади. Бунда магистрлик диссертациясидаги барча илмий, назарий-амалий хулосалар ҳамда тавсиялар ва таклифлар ҳар томонлама асосланади, ишончлилиги таҳлил қилинади.

ЯДАК раиси диссертация иши ҳимояси ҳақида эълон қилгандан сўнг ЯДАК котиби диссертация ишининг мавзуси, магистрантнинг исми-шарифи, шунингдек, тегишли ҳужжатларнинг мавжудлиги ҳамда магистрантнинг («Ўқув ва илмий фаолияти», «Таржимаи ҳоли»), ўқув режасини бажарганлиги, чоп этган илмий ва услубий мақолалари ва бошқа маълумотлар ҳақида қисқача ахборот беради.

Диссертация ишини баён қилиш учун сўз магистрантнинг ўзига берилади. У диссертация ишининг олдида қўйилган мақсад ва вазифалари, ишнинг долзарблиги, икки йил давомида олиб борган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари, амалий аҳамияти, умумий хулосалари ҳақида қисқача тўхталади. Магистрант диссертация иши ҳимояси пайтида жадвал, графиклар, схемалардан ва компьютер воситаларидан фойдаланиши тавсия этилади. Магистрантни тақдимот материаллари билан баён қилиш вақти 20 минутдан ошмаслиги лозим.

Шундан сўнг ЯДАК аъзолари ва бошқа тингловчилар диссертация иши бўйича муҳокама ва илмий мунозарада қатнашади. ЯДАК аъзолари диссертацияга дахлдор бўлган муаммолар, тадқиқот усуллари бўйича тегишли саволларни оғзаки тарзда бериб тадқиқот жараёни ва бажарилган илмий ва амалий ишлар натижаларини аниқлашлари мумкин. Бериладиган саволлар диссертация иши олдида қўйилган масаланинг моҳиятига тааллуқли бўлиши керак.

Магистрант маърузасидан сўнг раислик қилувчи сўзни диссертация ишига расмий тақризчига беради (тақризчи узрли сабаб билан иштирок этмаган ҳолларда Якуний Давлат Аттестация Комиссия котиби тақризчи хулосасини ўқиб эшиттиради). Тақризда кўрсатилган камчиликлар, таклиф, мулоҳазаларга ўз муносабатини билдириш учун сўз яна магистрантга берилади.

Магистрантнинг илмий раҳбарига сўз берилади. Илмий раҳбар ўз

нутқида магистрантнинг бажарган диссертатсия ишига, олиб борган илмий-тадқиқот ишларига ва мустақил тадқиқотчилик фаолиятига муносабатини билдиради. Магистрантнинг илмий раҳбари Давлат аттестатсияси комиссияси йиғилишида иштирок эта олмаган ҳолларда раислик қилувчи унинг диссертатсия бўйича берган ёзма хулосасини ўқиб эшиттиради.

ЯДАК аъзоларининг йиғилишида ҳимоя кўриб чиқилади ва диссертатсия иши баҳоланади.

Магистрлик диссертатсияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги "Магистратура тўғриси"даги Низомга ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 9 августдаги 19-2018-сон буйруғи билан тасдиқланган "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисида"ги Низом, кенгашининг 2021 йил 29 сентябрдаги 2-сон баённомаси билан тасдиқланган "Самарқанд давлат университетиде талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисида"ги й о ь р и қ н о м а асосида баҳоланади.

Магистрлик диссертатсиясини баҳолашда магистрлик диссертатсияси учун танланган мавзу долзарблигини асослаб берилганлиги; қўйилган масаланинг ечиш услубларини кўриб чиқилиши ва улардан энг самаралисини аниқланганлиги; магистрантнинг илмий (ёки илмий-техник, илмий-ижодий) изланишлар олиб бориш даражаси, мавзуга хос муаммоларни танлай олганлиги ва уларни аниқ далиллар асосида таҳлил эта олганлиги; тадқиқотда олинган маълумотлар ва натижаларни тасвирлар (чизма, расм, тақдимот) шаклида мужассамлантира олганлиги; самарали муқобил ечимни илмий, конструкторлик, технологик ва техник-иқтисодий жиҳатдан асослаб берганлиги; илмий-техник масала ечимининг натижалари бўйича хулосалар ва таклифларни шакллантирганлиги ҳамда фан ва иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида қўллаш имкониятларини аниқлаганлиги ва бошқа масалалар эътиборга олинади.

Комиссия аъзолари магистрантни қуйидаги мезонлар асосида баҳолайди: магистрлик диссертатсияси тадқиқот мавзусининг долзарблигини ва унинг амалиёт билан боғлиқлигини кўрсатиб бера олиши;

магистратура талабасининг тадқиқотга ва вазифаларни ҳал этишга мустақил ёндашуви;

фойдаланилган илмий адабиётлар, илмий нашрлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, шунингдек хорижий тиллардаги адабиётлар танқидий таҳлилининг тўлиқлиги ва чуқурлиги;

тадқиқот усуллари амалиётда қўлланилганлигининг асосланганлиги; олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалий аҳамияти; магистратура талабасининг магистрлик диссертатсияси доирасида ўтказилган тадқиқотлар ва олинган натижаларни ривожлантириш истиқболларини кўра билиш қобилияти; магистрлик диссертатсиясининг назарий ва амалий қисмларидаги ўзаро мантиқий боғлиқликни кузата билиш малакаси.

Магистрлик диссертатсия иши ҳимояси 5 баҳолик тизимда баҳоланади:

“5” (“аъло”) баҳо - магистрант ўз мутахассислиги бўйича етарлича назарий ва амалий билимларга эга; тадқиқот мавзусининг долзарблигини ва унинг амалиёт билан боғлиқлигини кўрсатиб бера олади; моҳиятини тўлиқ тушунади; фикрларини тушунтиришда мантиқий кетма-кетликка амал қилади; бажарган диссертатсия иши бўйича мустақил фикр-мулоҳазалар, қарорлар ва хулосалар қилади; тадқиқот усуллари амалиётда қўлланилганлигининг асосланган; ўтказилган тадқиқотлар ва олинган натижаларни ривожлантириш истиқболларини кўра билиш қобилиятига эга; ЯДАК аъзолари саволларига аниқ ва лўнда, диссертатсияга ва унга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда жавоб беради; магистрлик диссертатсияси талаб даражасида расмийлаштирилган.

“4” (“яхши”) баҳо - магистрант ўз мутахассислиги бўйича назарий ва амалий билимларга эга; тадқиқот мавзусининг долзарблигини ва унинг амалиёт билан боғлиқлигини кўрсатиб бера олади; моҳиятини тушунади; фикрларини тушунтиришда мантиқий кетма-кетликка қисман амал қилади; бажарган диссертатсия иши бўйича мустақил фикр-мулоҳазалар, қарорлар ва хулосалар қилади; ўтказилган тадқиқотлар ва олинган натижаларни ривожлантириш истиқболларини кўра билиш қобилиятига эга; ЯДАК аъзолари саволларига жавоб беради; магистрлик диссертацияси талаб даражасида расмийлаштирилган.

“3” (“қониқарли”) баҳо - магистрант ўз мутахассислиги бўйича маълум даражада назарий билимларга эга; тадқиқот мавзусининг долзарблигини ва унинг амалиёт билан боғлиқлигини кўрсатиб бера олади; моҳиятини тушунади; фикрларини тушунтиришда мантиқий кетма-кетликка амал қилмайди; бажарган диссертация иши бўйича мустақил фикр-мулоҳазалар, қарорлар ва хулосалар қилишда қийналади; ЯДАК аъзолари саволларига жавоблар асосланмаган; магистрлик диссертацияси талаб даражасида расмийлаштирилган.

“2” (“қониқарсиз”) баҳо - магистрант ўз мутахассислиги бўйича етарли амалий ва назарий билимларга эга эмас; тадқиқот мавзусининг долзарблигини ва унинг амалиёт билан боғлиқлигини кўрсатиб бера олмайди; моҳиятини тушунмайди; фикрларини тушунтиришда мантиқий

кетма-кетликка амал қилмайди; бажарган диссертатсия иши бўйича мустақил фикр-мулоҳазалар, қарорлар ва хулосалар қилишда қийналади; ЯДАК аъзолари саволларига жавоб бермайди; магистрлик диссертацияси талаб даражасида расмийлаштирилмаган.

ЯДАК аъзолари таркибидан Санок комиссияси тузилади. Санок комиссияси камида уч кишидан иборат бўлади, раис ва иккита аъзо. ЯДАК аъзолари томонидан бюллетенларга қўйилган баҳолар санок комиссияси томонидан таҳлил қилинади. ЯДАК аъзоларининг 5 баҳога нисбатан қўйган баҳолари умумлаштирилади ва ўрта арифметик қиймати олинади.

Санок комиссияси раиси томонидан диссертатсия иши ҳимоясига қўйилган баллар ва баҳолар эълон қилинади (**ҳар бир магистрант учун санок комиссияси мажлис баённомаси тўлдирилади**) ва ЯДАК аъзоларининг кўпчилик овози билан тасдиқланади. Овозлар сони тенг ёки мунозара бўлган ҳолда раиснинг хулосаси ҳал қилувчи ҳисобланади.

ЯДАК раиси барча ҳимояда иштирок этувчиларга диссертатсия иши ҳимояси бўйича қўйилган баҳоларни эълон қилиб, (**ЯДАК мажлиси баённомасига кўра**) диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилган магистрантларга магистрлик академик даражаси берилганлигини эълон қилади ва мажлис тугаганлигини таъкидлайди.

Ҳимояда “қониқарсиз” баҳоланган ёки кафедра томонидан ҳимояга тавсия этилмаган диссертатсия иши **«ТУГАЛЛАНМАГАН»** деб ҳисобланади ва магистрант кейинги 3 йил давомида қайта ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

II. ИЛМИЙ СЕМИНАР

4.1 Илмий семинар

мазмун

Илмий семинар магистрантларнинг тадқиқот ишларининг ажралмас қисми бўлиб, у илмий ишларнинг самарадорлигини оширишини таъминлайди. Илмий семинар талабаларга илмий маърузалар, мақолалар ва магистрлик диссертацияларини тайёрлаш ва ёзишда услубий ёрдам беради.

Илмий семинарнинг мақсади - компетенцияга асосланган ёндашувни амалга ошириш асосида тадқиқот ишларини ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар тизимини шакллантириш, шунингдек илмий алоқалар ва тадқиқот натижаларини оммага тақдим этиш. Илмий семинар магистратура талабаларига манбалар ва илмий адабиётлардан фойдаланиш, ўз позитсиясини шакллантириш ва асослаш, илмий билимларни тақдим қилиш бўйича тажриба орттириш учун шароит

яратишга мўлжалланган.

Илмий семинарнинг мақсади:

- илмий тадқиқот соҳасида маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш;
- тадқиқотнинг илмий йўналиши ва магистрлик диссертацияси мавзусини танлаш мақсадида талабаларнинг муаммонинг тематик соҳаси ҳақидаги тушунчаларини шакллантириш;
- магистрлик диссертациясининг мақсад ва вазифаларига мувофиқ, талабанинг зарур услубий тайёргарлигини таъминлаш;
- тадқиқот фаолияти кўникмаларини шакллантириш, шу жумладан манбалар, маълумотлар базалари ва илмий адабиётлар билан ишлаш натижаларни талқин қилиш;
- илмий мунозаралар о'тказиш ва ўз тадқиқотининг назарий концепсиялари ва натижаларини тақдим этиш кўникмаларини ривожлантириш ва уларни амалий амалга ошириш имкониятлари (маърузалар ва мақолалар ёзиш, конференцияларда чиқиш);
- магистрлик диссертацияси мавзуси бўйича тадқиқот лойиҳаларида иштирок этиш кўникмаларини шакллантириш.

Илмий семинарнинг энг муҳим вазифаси - бу илмий ишни ўқув жараёнининг асосий ва тизимли элементи эмас, балки маълум бир магистратура мутахассислиги доирасидаги анча мураккаб курсларни амалий ўзлаштириш жойига айлантириш. Талабага таҳлилий кўникмаларни ривожлантириш ва профессионал соҳаларда илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш имкониятига эга бўлиши керак.

Илмий семинар қуйидаги функцияларни бажаради:

- илмий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билимлар, кўникмалар, фазилятлар ва шахсий хусусиятларнинг шаклланишига ҳисса қўшадиган, тадқиқот фаолиятининг индивидуал услубини шакллантирадиган **таълимий функцияси**;
- магистрантларнинг когнитив, ташкилий, академик кўникмаларини ошириш, уларнинг илмий изланишлар олиб бориш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган **ривожлантирувчи функцияси**;
- магистратура талабалари ўртасида касбий фикрлаш, шахсий фазилятлар ва умумий дунёқарашни шакллантиришга ҳисса қўшадиган **тарбиявий функцияси**;
- магистрантларнинг илмий ишлари учун ижобий мотиватсион фонни яратишга, илмий фаолиятга қизиқишнинг ортишини таъминлайдиган, **рағбатлантирувчи функцияси**;
- талабаларнинг тадқиқот ишларини танлаш, режалаштириш, амалга ошириш ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилишдаги фаолиятини

бошқарадиган, **бошқарувчи функцияси**;

- магистрантларнинг режалаштирилган тадқиқот ишларини тизимли назорат қилишни таъминлайдиган, унинг бажарилиш сифатини аниқлашга, тадқиқотнинг оралиқ натижаларини тақдим этишга ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш тайёриги тўғрисида қарор қабул қилишни таъминлайдиган **назорат функцияси**;

- тадқиқот ишининг йўналиши ва мазмунига тузатишлар киритиш учун талабаларга таъсир чораларини (зарур ҳолатларда) аниқлашга имкон берадиган **коррекция функцияси**.

Магистрантларнинг умуммаданий ва касбий компетенциялар қуйидаги кўникмаларни эгаллаши орқали амалга оширилади:

- умуммаданий ва касбий савиясини ривожлантириш ва янги тадқиқот усулларини мустақил ўзлаштириш қобилияти;

- касбий фаолиятининг профилини ўзгартириш қобилияти;

- мустақил равишда янги билим ва кўникмаларни эгаллаш ва улардан фойдаланиш қобилияти;

- маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар томонидан олинган натижаларни умумлаштириш ва танқидий баҳолаш, назария ва амалиётнинг долзарб муаммоларини аниқлаш ва шакллантириш қобилияти;

- танланган илмий тадқиқот мавзусининг долзарблигини, назарий ва амалий аҳамиятини асослаш қобилияти;

- тадқиқот натижаларини мақола, ҳисобот шаклида тақдим этиш қобилияти.

Илмий - тадқиқот семинарида ишлаш натижасида магистрант:

- тадқиқот ишининг вазифаларини мустақил белгилаш қобилияти;

- замонавий асбоб-ускуналар ва компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда илмий тадқиқотларни режалаштириш, ташкил этиш ва ўтказиш қобилияти;

- меърий ҳужжатлар ёрдамида иш натижаларини тақдим этиш қобилияти;

- мустақил тадқиқот иши ва тадқиқот гуруҳида ишлаш қобилияти;

- касбий мослашиш, янги тадқиқот усулларива технологияларини ўрганиш қобилияти;

- бажарилган ишларнинг сифати учун жавобгарлик **кўникмаларга эга бўлиши керак**.

- илмий фикрлаш асослари ва унинг амалий аҳамиятини оммавий маърузаларда, магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш жараёнида намойиш этиш;

- назарий тушунчалар ва уларни илмий мунозаралар жараёнида кўрсатиш;

- маҳаллий ва хорижий мутахассислар томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва танқидий баҳолаш қобилиятини намойиш этиш, долзарб илмий муаммоларни аниқлаш ва шакллантиришни

билиши керак.

- илмий иш тайёрлаш, танланган мавзу бўйича конспект тузиш, курсдош магистрантлар ҳисоботлари ва тезисларини ко'риб чиқиш ва уларни таҳлил қилиш;
- илмий хулосалар тузиш;
- лойиҳалар ва тайёр тадқиқот ишларини муҳокама қилиш;
- рефератлар,
- мақолалар,
- маърузалар ва магистрлик диссертациясини ёзиш малакаларига эга бўлиш керак.

4.2. Илмий семинарини ташкил этиш

Илмий семинарда ишлашнинг **асосий шакллари:**

- етакчи ўқитувчиларнинг фан соҳасининг долзарб муаммолари, илмий ва амалий тадқиқотлар методологияси ва усуллари бўйича маърузаларини тинглаш;
- етакчи профессорлар, мутахассислар, иш берувчилар "маҳорат дарслари";
- магистратура мутахассислиги муаммолари билан боғлиқ мавзулар бўйича илмий мақолалар, монографиялар, тадқиқот натижалари, меёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни муҳокама қилиш;
- магистрантларнинг танлаган тадқиқот мавзуси бўйича маърузалари (хабарлари) билан чиқишлари;
- тадқиқотларни ташкил этиш ва методологияси бўйича дарслар;
- тадқиқот натижаларини эълон қилишда халқаро илмий журналлар ва базалар билан ишлаш
- ҳар хил турдаги илмий ишлар ёзиш бўйича машғулотлар;
- илмий баҳслар, мунозаралар, тақдимотлар ва мунозараларни ўтказиш усулларини ўргатиш бўйича дарслар;
- магистрантларнинг индивидуал тадқиқот ишлари натижаларини муҳокама қилиш;
- назарий ва амалий нуқтаи назардан энг долзарб мавзуларда давра суҳбатлари, конференциялар ўтказиш.

Илмий семинар ҳар бир магистратура мутахассислигини ўқув режасига мувофиқ о'тказилади.

Магистратура мутахассислиги мавжуд кафедра илмий семинарни кафедра хусусиятидан ва магистрантлар сонига қараб тузилган дастур асосида ташкил қилади ва ўтказилади. Илмий семинар мавзулари мазмуни ва ўтказиш шакллари битирувчи кафедралар томонидан белгиланади ва тасдиқланади.

Илмий семинарга раҳбарлик қилиш учун кафедранинг малакали

профессор - ўқитувчилардан бир киши тайинланади. Илмий семинар раҳбари университет ўқитувчилари ва олимларни, маҳаллий ва хорижий етакчи тадқиқотчиларни, бизнес, ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият вакиллари, иш берувчиларни илмий семинарни ўтказишга жалб қилиши мумкин.

Илмий семинар магистратура мутахассислигининг ўқув машғулоти жадвалига (Дарс жадвалига) киритилади.

Илмий семинарни ташкил қилиш бир неча босқичларни ўз ичига олади.

Ўқишнинг биринчи йили.

Илмий семинар кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борган илмий тадқиқот ишларининг тажрибаси билан ўртоқлашадиган, магистрантларни илмий лойиҳаларни ташкил этиш тартиблари ва олинган натижаларнинг бир қисми билан таништирадиган касб-хунарга ёналтирилган маърузалар билан бошланади. Асосий эътибор тадқиқот ва таҳлилий фаолият наъмуналарини намойиш этишга қаратилади. Семинарнинг бундай шакли магистрантларга диссертация ишининг мавзусини танлашда ва бу ишнинг дастлабки режасини тузишда ёрдам бериш учун мўлжалланган. Биринчи босқичда магистрантлар бўлажак магистрлик ишининг мавзуси ва режасини аниқлаб оладилар. Семинарда тадқиқотнинг назарий асослари муҳокама қилинади. Магистрант диссертация ишининг моҳияти ва тузилиши тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

Семинар давомида тадқиқот лойиҳаларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, бирламчи ва иккиламчи маълумотлар билан ишлашнинг анъанавий ва энг янги процедуралари ва усуллари билан танишилади. Асосий эътибор сотсиологик тажриба доирасидаги тадқиқот ва таҳлилий ишларнинг ўзига хос хусусиятларига қаратилади. Мавжуд материалларни таҳлил қилишда назарий ёндашувлар ва эмпирик тадқиқот мисолларига алоҳида эътибор қаратилади. Магистрантлар магистрлик ишининг биринчи бобини ёзишни бошлайдилар. Тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича дарслардан ташқари, матнларни таҳрир қилиш ва таҳлил қилиш бўйича ўқув курслари ўтказилади, бу эса магистрантларни ўз матнлари устида ишлашга тайёрлайди. Шунингдек, магистрлик диссертацияларини ёзишда фойдаланиш мумкин бўлган мавжуд маълумотлар базалари таҳлил қилинади.

Шундай қилиб, биринчи курсда ўқиш магистрлик диссертациясини ёзиш учун зарур бўлган адабий ва эмпирик маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашга бағишланган.

Ўқишнинг иккинчи йили.

Ўқишнинг иккинчи йили давомида магистрант диссертацияни қолган бобларини тайёрлаш ва ёзиш учун зарур бўлган маълумотларни тайёрлаш ва муҳокама қилиш амалга оширилади. Магистратура талабалари семинарларда, очик мунозараларда муҳокамадан ўтадилар. Магистратура талабасининг иккинчи курс ишининг асосий вазифаси - магистрлик ишини ёзишни яқунлаш. Магистратура талабалари ўз мавзулари бўйича қисқача тақдимот қилишлари керак. Бу кутилаётган натижалар ва ишда қўлланиладиган илмий усулларни батафсил муҳокама қилиш имконини беради. Барча мунозараларда ўқитувчилар ва маърузачилардан ташқари, барча магистрантлар ва бошқа қизиқувчилар фаол иштирок этишлари керак. Магистрантлар илмий семинарнинг барча босқичларида энг фаол иштирок этишлари керак ва мунозараларнинг бир қисмида улар мунозараларнинг асосий маърузачиси ва модераторига айланиши керак.

4.3. Илмий семинарни баҳолаш

Магистратура талабаларини Илмий семинардаги фаолиятини баҳолаш илмий семинар раҳбари томонидан амалга оширилади.

Баҳолаш мезонлари қуйидагилардир: талабаларнинг илмий семинарда қатнашиши ва семинарда муҳокамаларда фаоллиги; шахсий календар режада назарда тутилган ҳисоботни о'з вақтида тақдим этиш; семинарда ма'руза тақдимоти билан қатнашиши; илмий мақолалар, тезислар ва бошқа материалларни нашр этиши ва нашрга тайёрлаши; ҳисобот тайёрлаш.

Илмий семинарни баҳолаш учун магистрантлар қуйидаги ҳисоботларни тақдим этадилар:

Ўқишнинг биринчи йили.

- библиографик рўйхатни тузиш;
- мавжуд маълумотлар базаларини таҳлили;
- нашр этилган илмий мақолалар, тезислар ва бошқа материаллар; - магистрлик диссертацияси концепциясини ишлаб чиқиш.

Ўқишнинг иккинчи йили.

- илмий мақолалар ёзиш;
- конференцияларда, давра суҳбатларида чиқиш қилиш;
- магистрлик диссертациясини тайёрлаш;
- магистрлик диссертациясини дастлабки ва расмий ҳимоя қилиш.

Семестр охирида магистрант семестр давомида илмий семинар бўйича ҳисоботни тайёрлайди ва илмий семинар раҳбарига топширади.

Илмий семинар дастурини бажармаган ва қониқарсиз баҳоланган магистрант академик қарздор ҳисобланади. Илмий семинар бўйича қарздорлик оддий академик қарздорликга тенглаштирилади.

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси / Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. –Т.: Ўзбекистон. 1992. - 49 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни (Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарк нашриёт матбаа- консерни. 1997. –Б.20-29.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»
//Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.:Шарк нашриёт матбаа-консерни.1997. Б.-31-61.
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ- 4947 сонли Фармони.
5. ¹Магистратура тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги 2015 йил 2 мартдаги 36-сон қарори.
6. И.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч.-Тошкент, Маънавият, 2008.
7. Мирзиеёв Ш.М.Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент,“Ўзбекистон”, 2016 йил.
8. Мирзиеёв Ш.М.Танқидий таҳлил, қатъий тартиб - интизом ва шахсий жавобгарлик –ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017 йил.
9. Магистрлик диссертацияларини тайёрлаш бўйича методик тавсиянома: магистратура бўлимининг барча мутахассисликлари учун мўлжалланган. Т: ТДПУ, 2010. – 60 б.
10. Аристер Н.И., Загузов Н.И. Процедура подготовки и защиты диссертаций. - М.: АОЗТ "ИКАР", 1995.
11. Бурдин К.С., Веселов П.В. Как оформить научную работу. - М.: Высшая школа, 1973.
12. Кузин Ф.А. Магистерская диссертация. Методика написания и правила оформления. - М.: МАМАРМЕН, 1993.
13. Соловьев В.И. Гносеологические и психологические аспекты реферирования // Изд. дело. Книговедение. ЦБНТИ печати, 1971, № 7.
14. Соловьев В.И. О функциональных свойствах автореферата диссертации и особенности его составления // Научно-техническая информация. - 1981. - Сер. 1, 1981 № 6.
15. Швырев Б.С. Научное познание как деятельность.- М., 1984.

16. Аверченков В.И. Основы научного творчества [Электронный ресурс]: учебное пособие/ Аверченков В.И., Малахов Ю.А.— Электрон. текстовые данные.— Брянск: Брянский государственный технический университет, 2012.— 156 с.— Режим доступа: [хттп://www.ипрбукшоп.ру/7004](http://www.ипрбукшоп.ру/7004).— ЭБС

«ИПРбукс»

17. Дроздова Г.И. Научно-исследовательская и творческая работа в семестре [Электронный ресурс]: учебное пособие/ Дроздова Г.И.— Электрон. текстовые данные.— Омск: Омский государственный институт сервиса, 2013.— 66 с.— Режим доступа: [хттп://www.ипрбукшоп.ру/18258](http://www.ипрбукшоп.ру/18258).— ЭБС

«ИПРбукс»

18. Лапп Е.А. Учебно-научная и научно-исследовательская деятельность бакалавра [Электронный ресурс]: учебное пособие/ Лапп Е.А.— Электрон. текстовые данные.— Саратов: Вузовское образование, 2013.— 111 с.— Режим доступа: [хттп://www.ипрбукшоп.ру/12718](http://www.ипрбукшоп.ру/12718).— ЭБС «ИПРбукс»

19. Организация совместной учебно-исследовательской деятельности в открытом информационном пространстве [Электронный ресурс]: коллективная монография/ Н.Н. Божко [и др.].— Электрон. текстовые данные.— Волгоград: Волгоградский государственный социальнопедагогический университет, «Перемена», 2012.— 166 с. — Режим доступа: [хттп://www.ипрбукшоп.ру/21465](http://www.ипрбукшоп.ру/21465).— ЭБС

«ИПРбукс» www.пф.уни.удм.ру

20. www.талант.спб.ру/валд.хтмл

21. www.счоол.эду.ру.

22. [www.интер – педагогика.ру](http://www.интер-педагогика.ру).

23. www.пспй.ру.

24. www.wwингс.ру

25. www.пф.уни.удм.ру

26. www.сеарч.ре.уз - Ўзбекистоннинг ахборотларни излаб топиш тизими.

27. www.истсоунсил.гов.уз -Компютерлаштиришни ривожлантириш бўйича Вазирлар Махкамаси мувоффиқлаштирувчи Кенгашининг сайти

28. www.эссоман.эду.ру - Россия Федератсия олий ўқув юртларида ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув-услугий комплекслар.

**Битирувчилар магистрлик диссертацияси
ҳимоясига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати**

1. Рейтинг дафтарчаси (талаб даражасида расмийлаштирилган ҳолда).
2. Талаб даражасида расмийлаштирилган ва тасдиқланган «Шахсий календар иш режаси». Ҳар бир семестр бўйича ҳисоботлар ва асословчи ҳужжатлар папкада кафедра мудирига топширилади.
3. 2015 йилда тасдиқланган “Магистратура тўғрисида”ги Низом асосида расмийлаштирилган магистрлик диссертацияси икки нусхада (чоп қилинган, переплёт қилинган, тасдиқланган, муҳрланган) электрон варианты (дискда) билан.
4. Илмий раҳбар хулосаси.
5. Ички тақриз.
6. Ташқи тақриз.
7. Магистрлик диссертация ишининг дастлабки ҳимоядан ўтганлиги, ички ва ташқи тақризчилар тайинлаганлиги тўғрисида кафедра йиғилиши қароридан кўчирма.
8. Нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва ишларнинг ксеронусхаси.

**ЯДАК комиссияси котиблари тайёрлаши керак
бўлган ҳужжатлар рўйхати**

Ҳар бир магистрантга:

1. Овоз бериш бюллетени (ЯДАК аъзолари сонига боғлиқ ҳолда) тайёрланади.
2. Санок комиссияси мажлис баённомаси.
3. ЯДАК йиғилишининг қайд варақаси.
4. ЯДАК баённомаси.

Ҳимоядан кейин:

- Магистрлик диссертацияси (бир нусха, электрон варианты диски билан)
- ЯДА қайдномасини 1 нусхаси.
- юқорида кўрсатилган ҳужжатлар билан биргаликда ҳимоядан кейин бир ҳафта ичида алоҳида папкада жамланиб, сақлаш учун магистратура бўлимига топширилиши шарт.

«Тасдиқлайман»
Ўқув ишлари

бўйича проректор :

_____ А.С.Солеев

_____ 2021 йил

2021-2022 ўқув йили учун магистратура талабасига раҳбарлик бўйича ўқув юкламаларини ҳисоблаш меъёри ва қоидалари

Босқич	Семестр	Фаолият турлари				Жами
		Магистирлик диссертацияси ва илмий-тадқиқот ишига илмий раҳбарлик қилиш	Илмий-педагогик ишига илмий раҳбарлик қилиш	Илмий семинарга раҳбарлик қилиш	Илмий стажировкага раҳбарлик қилиш	
1	I.	20	6	4		30
	II.	20	6	4		30
2	III.	20	6	4		30
	IV.	24			6	30

- Илмий-педагогик ишига раҳбарлик қилиш кафедра кесимида битта профессор-ўқитувчига бириктирилади
- Илмий семинарга раҳбарлик қилиш кафедра кесимида битта профессор-ўқитувчига бириктирилади
- Илмий стажировкага раҳбарлик қилиш кафедра кесимида битта профессор-ўқитувчига бириктирилади

Ўқув услубий бошқарма
бошлиғи

Б.С.Аликулов

Магистратура бўлими бошлиғи

Н.Н.Низамова

